



**БУЮРТМАЧИ:**

**“Наманган йўл куриш таъмирлаш” МЧЖ**

**2022 йил давомида бажариладиган йўл-куриш  
ишлари мобайнида тегишли  
лаборатория синовларини ўтказиш бўйича**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Туракургон т.-2022 й.**

# **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

## **I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ№684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1 2022 йил давомида бажариладиган йўл-курилиш ишлари мобайнида тегишли лаборатория синовларини ўтказиш учун.
- 1.2. Танлов обьектини тахминий қиймати – 100 000 000,0 (бир юз миллион) сўм ҚҚСни хисобга олган холда. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан Хизмат кўрсатувчи билан шартнома тузилади.**

- 1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб, 31.12.2022 йилгача.
- 1.4 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **II. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Тўракўрғон тумани, Оқтош шахарчаси, Осойишта кўчаси 70 уй

Эл.адрес: [mbabdullaev@inbox.uz](mailto:mbabdullaev@inbox.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ биносида “Буюртмачи”нинг Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, саноат ва ишлаб чиқариш обектларида хизмат кўрсатишга рухсатномаси (агар талаб этилса) бор, ҳамда камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги талаблар қуйилади:

- Хизмат кўрсатувчи фаолият гувохномаси, лицензияси ва сертификатига эга бўлиши;
- Курилиш мобайнида расмий берилган талабномага асосан йўл қуриш обьектларини стандарт талаблари (ШНК) асосида синов лаборатория ишларини ўтказиш бўйича кафолат хати;
- Синов лаборатория ўтказиш учун зарур бўлган ўлчаш ва аниқлашга хизмат қилувчи асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги. (Сертификатланган);
- Талабгорнинг камида 6 (олти) нафардан кам булмаган лаборант мутахассислар билан таъминланганлиги.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.



3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **IV.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИУЧУН АЛОХИДА ТАЛАБЛАР**

4.1. Танловда саноат ва ишлаб чикариш обектларида ишлаган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

